*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 82 (9828). ● 1990 йил 28 апрель ● Баҳоси 5 тийин.



● БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 45 йиллиги тантаналари нишонланишига саноқли кунлар қолмоқда. Шу сана муносабати билан ветеранлар учрашувлари, дабра суҳбатлари ўтказиляпти. Жасорат кўрсатган ўзбек жангчилари шарафига ёдгорликлар очиляпти, уларнинг хотираларини абадийлаштириш чоралари кўрилмоқда. Сиз кўриб турган бу суратда Тошкент шаҳри ва вилоятимизнинг бир гуруҳ уруш ва меҳнат ветеранлари учрашуви акс этган.

Суратчи Х. СОЛИҲОВ.

## МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

26 апрель куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашди. Вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият, уни яхшилаш тадбирлари, истиқболдаги вазифалар тўғрисида гап борди.

Жумҳурият Президенти Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиш даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганлигини таъкидлади. Янги чора-тадбирларнинг жорий этилиши республика аҳолиси ва айниқса ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган гуруҳлар — пенсионерлар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали оилаларнинг аҳволини мушкуллаштирмаслиги учун мазкур масалани пухта ишлаб чиқиб, меҳнаткашлар билан биргаликда муҳокама қилиш зарур. Шунинг учун ҳозир кун тартибида бозор иқтисодиётига ўтишнинг, аҳолининг кам таъминланган табақалари учун кун кечириш даражасини сақлаб қолиш кафолатларини таъминлашнинг муқобил лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Кўпгина муаммолар ва нарх белгилаш масалаларини ҳал этиш лозим. Жумладан, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархини ошириш, жумҳуриятни барча зарур нарсалар билан таъминлашга оид ишларни давом эттириш керак. Мана шу барча масалалар мураккаб ва хилма-хил масалалардир, дейилди учрашувда. Шу боисдан бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги узил-кесил қарорни республикалар билан келишиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш йўли билангина қабул қилиниши мумкин.

Бошқа томондан республика ҳукумати бундай қарорни қабул қилгунга қадар албатта халқ билан маслаҳатлашади. Халқнинг фикрини ҳисобга олгандан кейингина узил-кесил программани тайёрлайди. Шунинг учун саросимага ҳеч қандай асос йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси эса ана шу муаммони Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча аҳолиси ўртасида кенг кўламда, амалий муҳокама қилинишини йўлга қўйишдан иборат. Бироқ ҳозир бу ишни самарали олиб бориш учун журналистларнинг ўзларини тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш зарур. Бундай иқтисодий ўқув ишга билимдонлик, вазминлик ва холис ёндашувни таъминлайди. Айни пайтда иқтисодиётни такомиллаштиришнинг самарали йўлларини қидириб топиш учун илм-фан кучларини, мутахассисларни ва жумҳурият тақдирига бефарқ бўлмаган барча кишиларни бирлаштириш талаб этилади.

Турли миш-мишлар, эҳтиросларни авж олдиришга ҳам қарши курашиш даркор. Масалан, республиканинг бир қанча шаҳар ва посёлкаларида савдо ходимлари асоссиз равишда «юқоридан берилган фармойиш»га таяниб айрим молларни сотишни чеклаб қўйганлар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, деди И. А. Каримов. Савдо ташкилотларида бўлган ҳамма нарсалардан жумҳурият аҳолиси манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш керак. Бунга мисол қилиб шуни келтириш мумкинки, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча колхоз бозорларида гўшт маҳсулотлари нархини оширишга уринишларнинг пайи қирқилди.

Ўзбекистон ССР Президенти саволларга жавоб қайтариб республика Министрлар Советининг бир қанча товарлар ва маҳсулотларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқишни вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигига алоҳида тўхталди. У энг аввало жумҳурият ички бозорини озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўла таъминлаш учун шундай қилинганлигини айтди. Ўзбекистондан кўплаб камёб моллар олиб чиқиб кетилаётганлиги шундай чора кўришга сабаб бўлди.

Масалан, Қарши аэропортида Бугуруслан шаҳридан келиб, самолётга 55 қоп қанд-шакарни ортишга уринган киши ушланди. Андижон вилоятида эса 65 минг сўмлик асал ва 18 минг сўмлик бинокорлик материалини олиб чиқиб кетишга уринишнинг пайи қирқилди. Шунга ўхшаш бошқа фактлар ҳам бор.

Республика ҳукумати жумҳурият аҳолиси эҳтиёжларини имкони борича кўпроқ таъминлаш, ҳаддан ошишларга, бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўрмоқда. Хусусан, маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларида сотиш учун рухсат бериш тадбирлари ўйлаб кўрилмоқда. Бу энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тааллуқлидир. Деҳқончилик маҳсулотлари айни пишиб етилган пайтда Ўзбекистон аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилгандан кейин мева ва сабзавотларнинг нобуд бўлишига йўл қўймай, жумҳуриятдан ташқарига ҳам олиб чиқиш мумкин бўлади. Ўзбекистон меҳмонларига нисбатан майда-чуйда инжиқликларга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ахир республикамизга миллионлаб туристлар келишади. Улар жумҳуриятимиз, унинг аҳолиси ҳақида яхши фикрда бўлишлари лозим.

И. А. Каримов касаба уюшмаларининг ишига батафсил тўхталди, уни такомиллаштириш йўллари ҳақида гапирди. Президент касаба уюшмалари меҳнаткашларининг манфаатларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов йиғилиш аҳлининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Х. Алимова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

● *Саноат хабарлари*

## ҲОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРГА

● ОҚҚЎРҒОН пахта тозалаш заводида ҳар йили ўнларча минг тонна «оқ олтин» хом ашёси қайта ишланади. Бу ерда тайёрланаётган тола мамлакатимизнинг қатор жумҳуриятлари қатори ҳорижий мамлакатларга ҳам етказиб берилмоқда.

Биргина ўтган йили ва шу йилнинг биринчи чораги давомида Вьетнам, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия ва Польша каби мамлакатлар оққўрғонликлардан юзлаб тонна сифатли тола олдилар.

## 40 МИНГ СЎМ ТЕЖАЛДИ

● ЧИРЧИҚДАГИ трансформатор заводи коллективи асосий маҳсулотдан ташқари кўплаб кенг истеъмол буюмлари ҳам ишлаб чиқармоқда.

Корхона рационализаторларининг таклифлари билан рўзғор радиатори такомиллаштирилди. Илгари 12 та қувур ишлатилган бўлса, эндиликда унинг сони иккитага камайтирилди. Бироқ қуввати анча ошди. Айни вақтда сарфланаётган металл миқдори камайди, радиаторнинг сифати эса яхшиланди. Шу туфайли ҳар йили қирқ минг сўмликкача иқтисодий самара олиш мумкин.




# БИР ҚАРИЧ ЕР

ОСМОНЎПАР бинолардан бирининг бешинчи қаватидаги икки хонали уй ҳамон эсимда. Москвадаги бу хонадоннинг бир хонаси юқорига олиб чиқилган кичик боғни эслатар эди. Турли идиш ва қутичаларга экилган гуллар, барқ уриб ўсаётган кўк пиёз, укроп, петрушка, товланиб турган помидор ва қалампир доначалари киши кўзини қувонтиради. Хонадон дастурхонидан қишин-ёзин кўк аримас ва уларнинг ҳаммаси шу кичик боғчада етказилар, ҳатто қўшнилар ҳам бу ҳосилдан баҳраманд бўлишар эди. Шу хонадонда биринчи бор мен ер мўъжизасидан ҳайратлана бошладим ва ширин хаёлларга берилдим. Ўлкамизнинг саҳий табиати, ёрқин қуёши кўз ўнгимда гавдаланиб юртимизга бўлган меҳрим ортиб борар эди. Ўқишни тугатгач она юртга қайтдим-у уйимиз олдидаги боғчага отилдим... Эндиликда бўш вақт топдим дегунча шу ерга шошиламан. Қуёш нурида чўмилаётган гул майсалар, дов-дарахтлар менга қувонч бахш этади, табиатнинг бетакрор гўзаллигини улар менга кўз-кўз қилаётгандек туюлади.

Бироқ... Бироқ...

Ишим тушиб шаҳримиздаги Абдулла Қаҳҳор номидаги кўчадан ўтиб қолдим. Шу кўчада жойлашган болалар поликлиникаси яқинидаги ҳовлида бўлганимда ҳайратдан ёқа ушладим. Ахлат уюми ва улар атрофидаги сочилиб ётган чиқиндилардан қўланса ҳид тарқалади. Тавба, наҳотки шу ерларда ҳам одам яшаса? Наҳотки улар бундай аҳволга бефарқ қарашса?! Шундай хаёллар мени чулғаб олди-ю беихтиёр хўш, бу ишларга ким эътибор бериши керак, деган фикр келди.

Дарҳақиқат, баланд қаватли турар жой бинолари атрофларидаги ерларга ким қараши керак? Балки масъул шахслар бордир? Лекин афсуски амалда сезилмайди. Катта-катта турар жой массивларининг теварак атрофидаги ерлар қаровсиз. Йил давомида на супурги, на кетмон тегади. Қачонлардир кам меҳнат талаб қиладиган, сувсизликдан ҳам қуримайдиган дарахтлар экилган-у шу билан қолиб кетган. Бундай жойларни Юқори вольт, Чилонзор, Юнусобод, Қорақамиш массивларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Майли, катта турар жой бинолари атрофидаги катта майдонларнинг хўжайини йўқ дейлик. Истироҳат боғларичи? Шаҳримизда 25 га яқин дам олиш боғлари мавжуд. Шулардан бирортаси бугунги кун талабига жавоб берадими?

Ҳақиқий бобо деҳқон ерга уруғ ташласа, дарахт экса дастлаб уларнинг ҳислатларини ҳисобга олган. Дарахт ва бошқа майсаларнинг бир-бири билан чиқишиши, «ахил» яшаши, эрта баҳордан то кеч кузгача боғда гулларнинг аримаслигини ўйлаган. Боғни доим парвариш қилиб, ҳам ҳосил, қариган дарахтларни олиб ташлаган, ўрнига янги навлар экκан, пайванд қилган. Шаҳар ерлари ҳақида ўйлаганимда ширин хаёлларга бораман. Шаҳарда гулчилик, мевачилик, ўрмончилик хўжаликларини ташкил этилишини орзу қиламан. Амалга ошириш мумкин бўлган хаёллар. Тўғрида, иқлим совуқ, йил давомида қуёш нурига муҳтож жойларда, шахтадан бўшаган ерларда одамлар деҳқончилик билан шуғулланаётган бир пайтда ерга ёғоч ташласа ўзи униб чиқадиган шаҳримизнинг саҳий ерлари қаровсиз ётса. Наҳотки, шаҳар ерларида етказиш мумкин бўлган гулни қишлоқдан олиб келинса! Ҳар бир хонадонда ўстирса бўладиган кўк резавор учун шаҳардан қишлоққа машина қатнаса. Шаҳар ҳаддан ортиқ қишлоққа қарам бўлиб қолмаяптими? Кўчаларда шох-шаббалар уюми, тўда-тўда қуриган дарахт чиқиндилари қанчадан-қанча. Қачонлардир хонадонларга иссиқлик бахтини берган, пишириқ ишлари учун хизмат қилган шу шох-шабба, ёғоч-ўтинлар бугунги кунда наҳотки ортиқча бўлиб қолган бўлса? Ахир қанчадан-қанча шундай ўтинлар бекорга ёқиб ташланмоқда, ерга кўмилмоқда. Шаҳар катта, дарахтлар кўп. Улар ҳам табиий. қарийди, қурийди. Ортиқча шох-шаббалари олиб ташланади. Шулардан озмунча ёғоч чиқадими. Шу бўлиб ётибди.

Ҳа, биз баландпарвоз сўзларни яхши кўрамиз. Шаҳримизни боғу-роғларга буркаймиз, деб неча йилдан бери бонг урамиз, кўкрак керамиз. Энди шу шиоримизни чуқурроқ ўйлаб кўрайлик-чи? Шаҳарни боғ-роғга айлантирса бўладими? Йўқ, албатта. Сабаб? Сабаб шаҳарда суғоришга мўлжалланган ариқлар кўмилиб юборилапти, жарликлар йўқ қилиниб, тупроқ ахлат билан тўлдириляпти. Тўғри барпо этилган турар-жой массивларида чиройли қилиб ётқизилган бетон ариқлар йўқ эмас. Лекин бу ариқлар атрофни суғориш учун эмас, балки меъморнинг лойиҳасида бўлгани учун ётқизилган холос. Аслида эса уларда ўрнатилганидан бери бирор марта шарқираб сув оққан эмас. Оқадиган сувнинг ўзи йўқ. Мисол дейсизми. Марҳамат, ўша эслаб ўтган Чилонзор, Юқори вольт; Қорақамиш, Юнус-обод массивларидаги бетон ариқларнинг қайси бирида сув оқиши мумкин? Битта яримтасида сув балки қолар, лекин бу масалани ҳал этмайди. Шаҳардаги майса-ю, дов-дарахтларнинг катта қисми асосан кранлардан оқиб турган бебаҳо ичимлик суви мавжудлиги туфайлигина жон сақлаб турибди. Бу сир эмас-

ёғочлардан унумли фойдаланилса бўлмасмикан? Дарахт чиқиндиларидан, шох шаббаларидан моллар учун ем, қурилиш анжомлари тайёрлаш ҳақида телевидениеда кўрсатув бўлган эди. Шу тажрибадан фойдаланиш мумкин эмасмикан. Шаҳардаги 26 минг гектар ернинг ҳаммасига уй қурилмаган-ку.

Биз шаҳар ерлари ҳақида, уни ободонлаштириш, намунали шаҳарга айлантириш масаласи хусусида кўп гапирамиз: кўкаламзорлаштириш, мевали дарахтлар, манзарали дарахтларни кўплаб экиш ҳақида сўз юритамиз. Ҳар сафар баҳор келиши билан «шаҳримизни боғу-роғларга айлантирайлик», шиори билан майдонга отиламиз, транспарантлар кўтарамиз. Қўлимизга бел-кетмон олиб, қаерлардандир кўчат-майсалар топиб кўчаларга чиқамиз. Оммавий ахборот фалон миқдорда дов-дарахтлар экилганлиги ҳақида шов-шув кўтаради. Ҳамма ерда тантана, музика жаранглайди. Кейин -чи? Кейин яна оддий иш кунлари бошланади. Ҳамма ўз иши билан банд. Осойишталик, бўлиб ўтган тантана аллақачон унутилган. Экилган дов-дарахт-у майсалар аста қовжирай бошлайди. Улар ўз ўринларини кейинги йилда бўладиган тантаналар учун бўшатишга шошилаётгандек. Чунки бу экилган дарахтларга қарайдиган одам йўқ. Мана, Педагогика кўчасидаги хореография мактабининг шундай ёнгинасида катта майдон текисланиб тантанали равишда дарахтлар ўтқазилди. Улар бир неча ойгина савлат тўкиб турди-ю қовжиради, қуриди. Майдон яна текисланиб янги тантаналар учун мўлжаллаб қўйилган эди, ҳайриятки, қайсидир ишбилармон буни спорт майдончаси қилишни таклиф этибди. Тўртта темир қозиқ бутун бошли майдонга қоқиб қўйилди. Энди қулоқ тинч. Энг муҳими маълум иш бажарилди, иш бўлганда ҳам маълум пулга чақиладиган иш. Шуниси муҳим. Абай кўчасини айтмайсизми? Тантанали равишда унга ўтқазилган кўчатлар аллақачон қуриб, текисланган майдонлар ўйдим-чиқдимку! Кўпқаватли уйларда яшовчилар узун шлангларда гул майсаларга сув сепаётганликларини ким кўрмаган дейсиз? Ҳамма кўради, ҳамма билади, на чора.

Москвалик бир танишимнинг «уйга бориб шаҳрингиз чангини бир ҳафта ювсам керак», деган ҳазил аралаш кинояси ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳа, шаҳар ҳаддан ортиқ қаровсиз, ифлос. Бу нарса, айниқса ёз ойларида сезиларли бўлади. Шу пайтда шаҳарнинг асл қиёфаси яққол намоён бўлади. Мева-чева чиқиндиларидан тўлиб ётган қутилардан чиқаётган қўланса ҳид атрофни тутиб кетади. Бу ҳол, айниқса, бозорлар ва уларнинг атрофида ачинарли тус олади. Шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган Олой, Госпитал, Бешёғоч, Октябрь бозорлари атрофидаги аҳволни таърифлашга тил ожизлик қилади. Бузуқ, чала бузуқ уйлар, ахлат уюмлари, қуриб ётган дов-дарахтлар, қаровсиз ерлар кишини ранжитади.

Нима бўлди? Наҳотки, озодалик, саранжом-саришталикни ўзига жо қилган халқимиз эътиқодидан қайтган бўлса? Наҳотки ерларни шу даражада хор қилса, табиатга нисбатан шунчалик бағри тошлик қилса-ю қийналмаса? Сабаби бўлса керак. Бор. Бунга энг аввало қурилиш ташкилотлари ва меъморларнинг ўйламай хўжасизларча бошлаган фаолиятлари сабаб. Бу фаолият натижасида шаҳарликлар орасида истеъмолчилик кайфияти пайдо бўлди. Эсимда, 50-йилларнинг бошларида Бешёғоч маҳаллаларининг дарвозалари олдига қозиқ қоқилди. Тез кунда бу ерлар бузилади, қурилиш, ободонлаштириш ишларини қилманг, деб огоҳлантирилди. Шундан бери 35 йилдан ортиқ вақт ўтди. Уйлар эса бузилиб бузилмайди, ободонлаштиришга эса ҳеч кимнинг қўли бормайди. Аввалига қаралмаган жойлар, ахлатлар уюми кишининг ғашига тега бошлади, лекин аста кўз шуларга кўника бошлади. Ифлослик, ноқулайлик вақтинча деб кишилар ўзларини ишонтириб келдилар ва шунга ишондилар. Натижада шаҳар ифлослиги, вайроналиги кундалик ҳолатдек қабул қилина бошланди.

Бу психология шаҳар ва ноҳия ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг ҳам кайфиятига айланган шекилли. Улар ҳам шаҳарда қурилиш ишлари ниҳоясига етганидан кейин ишга киришамиз, деб иссиқ хоналарда хаёл суриб ўлтирганга ўхшайдилар. Бундай қарашга чек қўйиш вақти келмадимикан? Бугунги кунда турмушимизнинг ҳамма соҳаларида содир бўлаётган қайта қуриш ишлари шаҳримиз, унинг ер, сув, ҳавосига бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Бу борада энг аввало шаҳар экологияси, уни ободонлаштириш масаласига тааллуқли ташкилотларнинг иши қайта кўриб чиқилиши зарур. Шаҳар ва ноҳия ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармаларининг фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бизнинг назаримизда бу муассасанинг ишлари ҳам хўжалик ҳисобига ўтказилиши ва ҳар бир ишчининг меҳнатига яраша ҳақ олинишини таъминлаш зарур. Шу фикрларни ёзаётиб аввало Фрунзе ноҳияси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бирлашмасининг фаолиятини назарда тутяпман.

Чунки бу ташкилот мана неча йилдирки, ноҳиянинг Б. Бобоев ва Баҳодир кўчаларини эпга келтира олмайди. Лекин бу ерга ишчилар, раҳбарлар гоҳо-гоҳо келиб кетишади. Ишчилар, ҳатто, бир-икки соат меҳнат қилишган ҳам бўлишади. Шу билан иш тамом. Агар улар қилган ишлари учун ҳақиқий маош олганларида бунчалик совуққонлик билан меҳнат қилмаган бўлар эдилар. Раҳбарлар-чи? Қўли чўнтагидан чиқмайди. Керакми шундай ташкилот. У аслида нима билан, қаерда ишлайди? На транспорт, на техника бўлмаса бу шўринг қурғурларда. Ишчиси керак бўлган жойга етиб боргунича кун пешин бўлади. Бир белкурак, бир лўм билан нима иш ҳам қилса бўлади?

Албатта, шаҳар ерларини эъзозлаш масаласини айрим ташкилот ва шахслар ҳал этаолмайди. Бунинг учун, энг аввало, жамоатчилик кучини ишга тушириш, кишилардаги истеъмолчилик кайфиятидан қутилиш, уларда ерга бўлган меҳр туйғуларини қайта тиклаш зарур. Бунинг учун энг аввало қурилиш ташкилотларининг бебошликларига чек қўйиш керак. Шаҳар ерларидаги бузилишлар, янги қурилишлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши зарур. Шу ерда шаҳар ерларининг жонкуяри, ҳомийси бўлган шахс, шаҳарнинг бош боғбони масаласи ҳамда шаҳар муҳити (табиати, рельсфи, планировкаси, меъморлик обидалари уйғунлиги)ни ҳимоя қилиш комитети хусусида фикр юритиш зарур. Комитетга кирган нуфузли меъмор, олим, қурувчи, боғбон ва бошқа шахслар шаҳар экологияси муаммосини ижобий ҳал этиш, қурилиш ва бузиш ишларида ортиқча чиқим бўлишига, шаҳар қурувчиларни эса эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан масалага ёндошишга хизмат қилган бўлар эдилар.

Шахснинг маданияти, маънавий камолоти энг аввало унинг ўз юрти, ватани, киндик қони тўкилган азиз тупроғига бўлган муносабатида белгиланади. Бу маданият жамият қудратининг замини, халқ фаровонлигининг бебаҳо манбаидир. Бугунги кунда шаҳримиздаги қанчадан-қанча хонадонлар ўзларининг бир парча томорқаларида етказилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб мамлакатимиз озиқ-овқат дастурининг амалга ошишига ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бугунги бозорларимизнинг серфайзлиги, тўкин-сочинлигида уларнинг меҳнати ҳам сезиларлидир. Қанча-қанча корхона ва муассасалар ўз томорқаларида етказган маҳсулотлари билан халқ фаровонлиги йўлида олижаноб ишларини амалга ошираётганликларини фахрланиб тилга оладилар. Ошхона, ресторан, шифохона ва бошқа шунга ўхшаш жойларда шахсий хонадонлар билан кўк резавор, гул ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиб йил давомида иш олиб бораётган хўжаликлар йўқ эмас. Бу ҳаётга тадбиқ этиш мумкин бўлган формалардандир. Шунга ўхшаш формалардан унумли фойдаланиш, назаримизда, давлат учун ҳам, халқ учун ҳам нафлидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» тўғрисида чиқарган қарорида болаларни ёшликдан меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, меҳнатга онгли эҳтиёжни сезиш руҳини юзага келтириш, меҳнат ҳақиқий завқ манбаи бўлиб қолиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Шу вазифаларни амалга оширишда сўзсиз ерга муҳаббат туйғусини ошириш алоҳида ўринни эгаллайди. Шу борада мактабларда катта ишлар қилинмоқда. Ўқувчилар ўзлари учун ажратилган ер участкаларида меҳнат қилиб уни эъзозлашга, парвариш қилишга ўрганмоқдалар. Лекин тарбиянинг ана шундай формаларидан етарли фойдаланилаяптими? Айниқса, шаҳар мактабларида бу масала қандай йўлга қўйилган? Ҳар бир мактабнинг оз бўлса ҳам ер участкалари бор. Мактаб атрофини ўраб олган майдон, кўча хиёбонлар-чи? Агар мактаб шу ўз атрофидаги ерларни, майдон, кўча-хиёбонларида ободонлаштириш ва парвариш қилиш хусусида ўйлаб кўрганда айни муддао бўлар эди.

Ҳозирги кунда шаҳардан қолишмайдиган қанчадан-қанча ноҳия марказлари мавжуд. Бу яхши. Лекин қишлоқ марказларида ҳам шаҳардагидек қаровсиз, майдон, хиёбон кўчалар, мевасиз дарахтзорлар кўпайиб кетмаяптими? Катта-катта қишлоқ маркази ерларини ҳам ажриқ босиб бормаяптими? Тўғри, табиат яратган ҳар бир майса ва дарахт яшаши керак. Лекин ҳар бири ўз ўрнида ва меъёрида бўлиши лозим. Буни инсон бошқариши мумкин. Қишлоқ ва шаҳар орасидаги тафовутни йўқ бўлиши энг аввало инсон ва табиат уйғунлигининг камолатидир. Бу камолот шаҳар ва қишлоқ ерларининг боғу-роғларга ўралиши, ҳавосининг мусаффо, ариқ сувларининг зилол ва тоза бўлишида, инсоннинг ерга ишлов бериш маданиятининг юксаклигидир. Инсон ва табиат уйғундир. Инсон ва табиат уйғунлиги азалий орзу. Бусиз баркамол жамиятни тасаввур этиб бўлмайди.

Ота-боболаримиз, ерга эътибор — элга эътибор, деганларидек ерни эъзозлашга ўрганиш, ҳаёт гўзаллигини чуқурроқ ҳис этиш, унинг ҳар онини қадрлашга ўрганиш демакдир. Ердан унумли фойдаланиш, моддий бойлик олиш бу шунчаки иқтисодий масала эмас, балки маънавий-ахлоқий масала ҳамдир.

**Неъмат АБДУЛЛАЕВ,**
**санъатшунослик номзоди.**

## Оила, МАҲАЛЛА, жамият

# АЁЛГА АЁЛЛИК БАХТИ КЕРАК

Бир қариндошимизни йўқлаб борсам, қўшниникига тўйга чиқиб кетаётган эканлар.

— Юринг, бирга кириб чиқайлик, — дедилар. — Бутун умри эл хизматида ўтган аёл. Ҳамма болалари уйли-жойли бўлиб, тиниб-тинчиб кетишган. Лекин шу кичкина ўғлини уч йилнинг ичида иккинчи бор уйлантириши. Ишқилиб, бунисидан тинчисин...

Суриштириб билсам, уйланаётган йигит аввалги хотинини ўзи кўриб, синаб, ёқтириб, ўшандан бошқасига қиё боқмоқни ҳам истамай уйланган экан. Бу гапни эшитиб кўнглим бир музлади.

— Ўзингиз кириб чиқа қолинг. Мен бошқа сафар келарман, — дедим.

Лекин мезбон менинг дилимдан ўтганларни пайқадилар чоғи, тўйга киришни оқшомга қолдирдилар-да, бир пиёла чой устида гап бошладилар:

— Аввалги келинни бир кўрган одам ҳавас қиларди: кийган кийими ярашган, хусни бекаму кўст, ўзиям олий маълумотли — шифокор эди. Жуда орзу-ҳаваслар билан тўй қилишди. Бир ёғи куёвнинг отаси анчадан буён оғир касал эди, унинг кўзи очиқлигида кенжа ўғлиниям уйли-жойли қилаётганликлари учун топганларини аямай сарфлашди. Тўйдан кейин янги келинли хонадонга бир сабаб биланми ёки шунчаки қўшничилик учунми кириб-чиққанлар келиннинг тузукроқ салом-алик, келинг-қўйинг ҳам қилмаганини гапириб қолишарди. Бировнинг битта келин олиши осонми, «Оиласи билан аҳил бўлса бўлди-да»,— деб биз кексалар гапни чувалатишга қўймасдик. Бу орада қайнота дарди оғирлашиб қазо қилиб қолди. Тушдан кейин хабар эшитиб азага кирдик. Ҳамма фарзандлар, келинлар, куёвлар, қариндошу қўшнилар шу ерда, фақат янги келин кўринмасди. Маълум бўлишича, янги келин ишда экан. Эрталаб ўлим тўшагида ётган қайнотани бир кириб кўрмай, туни билан бемор бошида алам тортиб ўтириб чиққанлардан хол-аҳвол ҳам сўрамай, тарақлаб ишга чиқиб кетган экан.

Ҳовлида айни одамлар йиғилган, йиғисиғи кучайган, марҳумни сўнгги йўлга олиб чиқиб кетишга ҳозирлик кўрилаётган пайтда келин кириб келди. Тавба, юзида, кўзларида бу бўлаётган воқеаларга нисбатан заррача ҳамдардлик йўқ. Уйига кириб кетиб... ишонасизми, ишонмайсизми — билмадим, мен кўрганимни айтаман... келин яроқлаган шахмат нусха атласдан тикилган кўйлак, лозимни кийиб чиқса бўладими? Уни кўрган заҳоти аёллар шоша-пиша уйига қайтариб олиб кириб бошқатдан кийинтириб чиқдилар. Ўзингиз биласиз, ўзбекчиликда азадор одамнинг дардига узоқ вақт ҳамдард бўлиш — қадимий удум. Қўшнимдан хабар олгани кирсак, келинга малол келаётгани шундоқ сезилиб турарди. Ортиқ яшириш фойдасизлигини қўшнимнинг ўзлариям тушундилар шекилли, бир куни алам билан кўнгил очиб қолдилар. Келиннинг гап-сўзлари, қилиқлари ҳақида эшитиб туриб, тўғриси, унинг айрим қилмишларига аввал ўзим гувоҳ бўлмаганимда, қайнонанинг гапига ишонмасдим ҳам.

Мен шифокорман, менга озодалик ёқади, деб ҳамма нарсадан, ҳатто кўпчилик билан бир даврада ўтиришдан ҳам жирканаркан. Меҳмон ёки қўни-қўшни ҳовлиларига кирса: «Нима, буларнинг қиладиган ишлари йўқми? Мунча келишаверади?» — деб эрига заҳрини сочаркан. Кейинги пайтларда ҳеч кимдан сўрамасдан отасиникига кетиб қоладиган, уч—тўрт кундан кейин яна ўзи қайтиб келадиган одат чиқарибди.

— Ўғлим бу хотинни ўзи танлаб олгани учун дарди ичида, қариндошлар орасида хижолат тортиб юрарди. Энди: «Ойи, мени кечиринг, бўлмайдиганга ўхшайди», — деяпти... — эзилиб сўзладилар қўшним. Она бечорани марҳумнинг мотамидан ҳам кўра тирикларнинг ташвиши эзиб қўйди, қон босими касалига йўлиқди. Ҳомиладор келин ой-куни яқинлашганда, бутунлай отасиникига кетиб қолди, ўғил кўрди, туғруқхонадан яна бу хонадонга олиб келишди, лекин тинчлик бўлмади. Бора-бора келиннинг шанғиллаб уришгани биз қўшниларга ҳам баралла эшитиладиган бўлди.

— Мен дам олишим керак. Сен боланинг кирини ювасан, — деб оқшомлари ишдан қайтган эрига русчалаб бақирарди. Кейин онасиям келиб қизига қўшилиб куёвини, қудани ҳақорат қиладиган бўлди. Оқибат ажралиб кетишди. Ажралишгандан кейин келиннинг кўзи очилганми, ёки бошқа сабаб борми, яна қўшнимникига келиб юрди, кўп вақтгача ярашмоқчи бўлиб юрди, бироқ эрининг кўнгли совиб кетган экан... Мана, орадан икки йил ўтиб бошқасига уйланаяпти. Касалманд онага битта ҳамхона керак-да! Лекин бу келинни йигитнинг опалари кўриб, суриштириб топишди.

Азиз суҳбатдош, мен ҳар гал сиз билан ғойибдан мулоқотга киришарканман, «Бу воқеаларни мен ўзим тўқиганим йўқ. Айни бўлган гаплар», — деб айтиб ўтаман. Юқоридаги тафсилотларниям бекорчиликдан ёки кўпчиликни ҳайратга солиш учун ўйлаб топмадим. Ёзганларим — холис бир одамнинг кўрган ва эшитганлари...

Зеро, мақсадим нотўғри берилган тарбия туфайли ўзи ҳам нотинч бўлиб, ўзгаларнинг ҳам умрини эговлаган келинчак қилмишларини сўзлаб завқланиш эмас. Келинг, айтилганлардан биргаликда тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилайлик. Мақсад, ибрат — мана шу.

Ҳозирги даврда дунёдаги барча хотин-қизлар ичида аёллик назокати, сеҳри, сирларини энг кўп сақлаб қолганлар — япониялик аёллар, деб тан олинади. Турмушга чиққандан кейин япон аёллари учун энг... энг(!) муҳим вазифа оила юмушлари, бекалик, оналик масъулияти саналаркан. Шу боис уларнинг аксарият кўпчилиги оилали бўлгач ишдан бўшар экан. Бу гапларни қўя турайлик. Япон қизлари, аёллари гапирганда (кимгалигидан қатъий назар) зинҳор-базинҳор овозларини баландлатмас эканлар. Демак, уларга ақлини таний бошлагандан шундай тарбия берилади. Онаси, бувиси, амма-холаси, умуман, атрофидаги барча хотин-қизлар бақириб гаплашганини кўрмаган қизалоқ бундай бадхулқни кимдан ўргансин?!

Тўхтанг, аслида худди шундай анъана, яъни хотин-қизларнинг паст, майин овозда гаплашиши, қизларниям ёшликларидан шу гўзал одатга ўргатиш қадим-қадимдан ўзимизда, айниқса, мусулмонлар ўртасида темир қонун бўлган-ку! Ёнғин келганда ҳўлу қуруқ баробар ёнганидек, эскилик сарқити, аёллар ҳуқуқининг шариат томонидан поймол этилиши каби тамғалар ила бу яхши одатниям йўқотиб юбордик. «Тўрт девор ичидан овозиям чиқмаган заифаларга бор овоз билан гапириш ва бора-бора уят-андишани йиғиштириб қўйиб ўз ҳаққу-ҳуқуқини бепарда сўзлар билан талаб қилишни ўргатмадикмикин... Бу янги ҳуқуқларини тўла ўзлаштириб олган аёлларни бошқаларга ибрат, байроқ қилиб кўрсатилди, оқибатда тили билан юрадиганлар кўпайиб кетмадимикин... Энди танамизга ўйлаб кўрайлик, овозни кўтариш, дағдаға қилиш, ҳақоратув андишасизлик билан иш битиришга одатланган одамни маданиятли деб бўладими? Бу унинг ожизлиги, калтафахмлиги, номуссизлиги ифодаси, холос.

Азиз онахонлар, кечикиб бўлса-да, ўзимизни, ўзлигимизни топайлик. Фарзандларимизнинг қошу кўзлари, бўйбасти, ярашимли либосларига нечоғли ихлос қўйсак, уларни бир рўзғорнинг меҳрли, жонкуяр, тадбиркор аъзоси бўла оладиган қилиб улғайтириш ҳақида ундан-да жиддийроқ ўйлайлик.

Жуда кўпчилик севишиб, узоқ вақт мобайнида бир-бирларини синашиб турмуш қуришади-ю, қисқа вақт ичида ажралиб кетишади. Суҳбатимиз аввалида ёзганларим шунинг далили. Бунинг сабаби нимада? Бошқалар ҳам ўз фикрларини билдиришар. Мен бундай тезкор ёз ёмғири каби севишу ажралишларнинг бош сабаблари кўпинча қизларимизда оиладаги ўз ўрни, вазифаси, бурчини англамаслик, рўзғорда дуч келиши шарт бўлган турли яхшию ёмон кунларга тайёр эмаслик, халқимизни халқ сифатида шакллантирган миллий одатларни ёки билмаслик, ёки менсимаслик деб биламан. Қарияларнинг қўлига сув қуйиб сочиқ тутишни ор деб билган, «ассалому алайкумни» очиқ чеҳра билан тўлиқ айта олмайдиган, яқин кишисининг — ҳатто ўз ота-онасининг мотамида бир оғиз дардли сўз айтиб йиғлай олмайдиган, остонадаги пойабзалларни тартибга келтириб қўйишни ўзига ҳақорат деб биладиган, қўлига нина ушлаб бежиримгина қилиб ямоқ сола олмайдиган, кечки овқатни еб ювиқсиз қозон-товоқни тахлаб қўйганча телевизор томоша қилаверадиган... сингилларимиз, тенгдошларимиз камми?.. Худди шу каби ҳолатлар аёлнинг иссиқ юзини бора-бора совуқ кўрсатмайди, деб ким кафолат беради?

Айрим оналар қўлида ҳунари ёки дипломи бўлган қизлари ҳақида: «Худога шукур, бир жойга борса, нони бутун. Бировга қарам бўлмайди. Битта қорнини тўйдириб олади», — дейдилар. Худди шу фикр қизнинг онгига ҳам сингиб кетади. Натижада келин бўлиб борган жойида ҳам анча-мунча бўйин эггиси, қайишгиси, ён бергиси, пастроқ тушгиси келмайди.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик, бизга қизларимизнинг нони бутун бўлгани афзалми (ҳозир оч қоладиган замон эмас!) ёки бахти бутун бўлгани афзалми? Бахт эса сабр-тоқатлилик, кечиримли бўлиш, эрнинг жисмонан ва маънан кучлилигини тан олиб (у қанча маош олишидан қатъий назар!) унга миннатдорчилик билан суяниш, рўзғорда яхшини ошириб, ёмонни яшириш билан қўлга киритилади асосан.

Аёлларнинг озодлиги, тенг ҳуқуқлилиги шиори остида неча минг йиллар давомида шаклланган ва ҳаётий мактабга айланган удумлар нотўғри сиёсат оқибатида қисқа давр ичида пароканда этиб ташланди. Рўзғори бузилган, болалари билан ёлғиз қолган аёллар суҳбатида кўп бўлганман. «Сенсиз куним ўтмайдими? Болаларимни гулдек қилиб ўстираман», — деб эридан жаҳл устида ажрашиб кетган оналарнинг кейинчалик: «Болалар ўз йўлига, лекин турмуш йўлдошингнинг ўрни бошқа экан. Бева бўлганингдан кейин бошингга ҳар хил маломатлар ёғилаверар экан. Аёл яхшими, ёмонми — бир паноҳидан айрилмасин..» — деб эзилиб сўзлаганларини кўп эшитганман.

Демоқчиманки, аёл табиатан эрнинг мунис ҳамроҳи, ҳимоя ва кўмагига муҳтож зот қилиб яратилган экан, табиий хусусиятни зўрма-зўраки тарғиботлар, шиорлар билан сўндиришга уринмайлик. Ҳар неки нотабиий бўлса, оқибат оғир асоратларга олиб келишини турмушда кўриб турибмиз. Ишонаманки, ҳатто энг катта лавозимларда ишлаб, ўз эрки ўз қўлида бўлиб, бир эркакнинг қош-қовоғига термулмай ўтган ёлғиз аёлнинг қонида ҳам қачондир бир кун бу табиий ҳислат исён кўтаради ва ўша аёл ўтган умрига ачинади. Фақат буни кимдир тан олади, кимдир тан олмайди, холос...

Мен хотин-қизлар мавзуида сўзлар эканман, ҳадеб ўзимиздаги дил оғритар томонлар ҳақида баҳс этаверганимдан хафа бўлманг, азиз тақдирдошларим. Ниятим холис: ҳар бир аёл аёллик бахтига муяссар бўлмоғини чин дилдан тилайман.

Сўзимнинг охирида бир кичик, аммо дилга илиқлик, равшанлик соладиган лавҳани айтиб бермоқчиман. Яқинда ҳалиги қариндошимизникига яна бордиму «Бу келин қалай энди?» —деб сўрадим. Қариндошимиз яйраб гапириб қолдилар:

— Яқинда қўшнимиз шифохонада даволаниб чиқдилар. Йўқлаб кирсак, янги келиннинг онаси ҳам меҳмон бўлиб келган экан. «Келиним қиш кунлари бўлишига қарамай, мен йўқлигимда ҳам ҳар куни саҳардан туриб ҳовлиларни супурибдилар. Нима қилардингиз», — дедим... Шу пайт келиннинг онаси қудасининг ёнини босиб шивирлади: «Нега ундай дейсиз? Келин деган эрта тонгдан туриб ҳовли-жойини, уйларини йиғиштириб олади-да. Биз ҳам шундай қилганмиз, ўргансин», — деди...

Дунёга тонгнинг нур дарвозалари очилар-очилмас ҳовли супуриб юрган сулув келинчакни ҳаёлан тасаввур қилдим. Бу хонадонга фаришта бахт нафасини уфуриб юргандек туюлди назаримда...

**Муҳтарама УЛУҒОВА.**

